

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.В.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТОШОВ ҲАЁТЖОН МУҲАММАДОВИЧ

**ДЕВХОНА КУЛИНИНГ ГИДРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА
БАЛИҚЧИЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ**

03.00.16 – Гидробиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PHD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тошов Хаётжон Муҳаммадович

Девхона қулининг гидробиологик ҳолати ва балиқчиликдаги
аҳамияти.....

3

Тошов Хаётжон Муҳаммадович

Гидробиологическое состояние и рыбохозяйственное значение озера
Девхона.....

21

Toshov Khayotjon Mukhammadovich

Hydrobiologic condition and fishery significance of Devkhona lake.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОШОВ ҲАЁТЖОН МУҲАММАДОВИЧ

**ДЕВХОНА КУЛИНИНГ ГИДРОБИОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА
БАЛИҚЧИЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ**

03.00.16 – Гидробиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PHD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.2.PhD/B355 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Бўриев Сулаймон Бўриевич
биология фанлари доктори, профессор

Зарипов Эркин Зарипович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Фаргона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020 В.01.15 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталиқ Илмий кенгашининг 2021 йил «29» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш, Олмазор тумани, Университет кучаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-кават, 203-хона. Тел.:(+99871-246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (155 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кучаси 4-уй, Тел.:(99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «17» декабрь 5 рақамли реестр баённомаси)



Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Илмий даражалар берувчи бир марталиқ
Илмий кенгаш раиси, биология фанлари
доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Илмий даражалар берувчи бир марталиқ
Илмий кенгаш котиби, биология
фанлари номзоди, доцент

Рахимова Ташханним Тўймухамедовна
Илмий даражалар берувчи бир марталиқ
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, биология фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда табиий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган кизиқиш ва эҳтиёж жуда кўп соҳаларни бугунги кунда тобора қамраб олаётган сунъий маҳсулотлардан ҳамма вақт ўз аҳамияти юқорилиги билан ажралиб туради. Сув ҳавзаларининг биологик потенциални илмий асослаш, уни тўғри йўналтириш ва захираларини тақсимлаш ёки ҳавза келажагини аниқ башоратлаш доим оқилона бажарилишни талаб этади. Шундай экан кўл балиқчилиги соҳасидаги амалий чора-тадбирларни имкон қадар оптималлаштириш ҳозирги куннинг илмий-амалий нуктаи назаридан долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда балиқ табиий озуқа базасининг асосий қисмини ташкил этувчи фитопланктон, зоопланктон, бентос, макрофитлар хилма-хиллигини аниқлаш, иқтисодий аҳамиятга эга турларни саноатга жалб этиш жуда муҳим. Чавоқлар озуқасининг 85-90%, вояга етган балиқлар озуқасининг 40-45% ни табиий озуқа организмларидан иборатлиги балиқчилик хўжалигида муайян сувликнинг потенциал имкониятларидан максимал фойдаланиш заруратини белгилайди. Сувликлар озуқа захирасининг мавсумий динамикаси, ушбу захира элементлар популяциясининг ёш таркиби ва ривожланиш хусусиятларини илмий асослаш, овладаниган балиқлар ва сунъий киритилган балиқларнинг ов барқарорлигини таъминлаш гаровидир. Сувликларнинг иқтисодий ва биологик маҳсулдорлиги асосий курсаткичи ҳисобланувчи овланган балиқлар миқдорини мониторинг қилиш, сувлик биохилмаҳиллигига салбий таъсирни баҳолаш билан ҳам бирга олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек сув ҳавзаларига иқлимлаштирилган турларнинг озуқа захираси, зооценоз ҳамжамоалари билан муносабатларини тўла асослаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда балиқчилик тармогини ривожлантириш, балиқ захираларидан самарали фойдаланиш, инновацион аквакультурани ривожлантириш ва сувдан комплекс фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республикамыз текислик қисмидаги қўллар ва сув омборларига карпсимонлар оиласига мансуб балиқлар чавоғини мунтазам равишда ўтказиб туриш дастури ишлаб чиқилди, маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда балиқ турларини кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмлари ошириш ҳамда балиқ етиштиришнинг интенсив усуллари амалиётга жорий этилди. Балиқчиликни ривожлантиришга оид вазибалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларида жумладан, ПҚ- 2939 қарорда «сунъий ва табиий сув ҳавзалари захираларидан самарали фойдаланиш¹» шунингдек, мазкуртармоқларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида «... балиқчилик тармоғи озуқа базасини тизимли асосда мустаҳкамлаш, балиқчилик хўжаликлари ва ташкилотларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939 сон «Балиқчилик тармогини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ – 4005 сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қушимча чора –тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

юкори сифатли озуқа билан барқарор таъминлаш²» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий табиий кўлларнинг гидробиологик ҳолатини яхшилаш ва балиқ етиштиришда маҳсулдорликни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишинингасосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ҳавзаларининг гидробиологик ҳолати ва маҳсулдорлигини ошириш, гидробионтларнинг сифат ва миқдорини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ишлари хорижлик олимлар. W. Lampert (1987), J.A. Benzie(2006), H.J. Dumont (2006), S.S. De Silva (2006), B.Dussart (2006), J.M. Boberts (2009), Ch. Farwell (2014), Sinjae Yoo (2015), M. Povlov (2016), A.E. Friederike (2016) томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатлари гидробионт организмларининг морфо-экологик хусусиятлари ва мавсумий сукцессиясини аниқлашга оид тадқиқотлар В.Н. Никулина (1977), И.В. Телеш (2006), В.Р. Алексеев (1995), Н.М. Каровчинский (2004), Н.В. Карташева (2006), В.П. Семченко (2009), Т.Г. Стойко(2014), А.С. Стенина (2009), Н.И. Ермолаева(2016) тадқиқотларида ёритилган.

Ўзбекистонда гидробионтларни ўрганиш Ўзбекистон ФА академиклари А.М. Муҳаммадиев (1968), А.М. Музаффаровлар (1965) илмий фаолиятларига бориб тақалиб, А.М. Муҳаммадиев Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктонларини, А.М. Музаффаров эса Ўрта Осиёнинг сув ҳавзаларидаги тубан сув ўтларини ўрганишган.

Мамлакатимиз сувликлари гидробионтлари фундаментал тадқиқотлари В.Н. Талских (1997), М.Ф. Вундцеттел (2006), Ю.Л. Герасимов (2014) , Л.Г. Константинова (1966) киби олимлар томонидан ҳам ўрганилган.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори.

Тадқиқот ўтказилаётган ҳудуд кўлларининг балиқлари ва бошқа гидробионт организмлари М.А. Абдуллаев (1969), Дж.У. Урчинов (1989) Д.С. Ниёзов (2011), Ғ.М. Сайфуллаев (1999), А.Р. Кузметовлар (2019) томонидан қисман ўрганилган. Бироқ ушбу тадқиқотлар сув ҳавзаларидаги табиий озуқа базасининг барча асосий қисмларининг ҳолатини ўзида акс эттирмайди.

Балиқчилик сув ҳавзаси шароитида табиий озуқа базасининг асосий қисмини ташкил этувчи фитопланктон, зоопланктон ва макрофитлар хилма-хиллиги ва миқдорини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Бухоро давлат университети «Биология» кафедраси илмий-тадқиқот режасининг «Бухоро вилояти кўлларининг гидробиологик ҳолатини ўрганиш» (2016-2018), ИТД-7-39 «Бухоро вилояти ҳудуди ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кадастрини юритиш» (2015-2017), Тошкент давлат аграр университети «Балиқчилик» кафедраси илмий-тадқиқот режасининг 1.1- 2018 «Хориждан келтирилган балиқлар ва асалариларнинг иқлимга мослашувчанлик, маҳсулдорлик ва наслдорлик сифати» (2018-2020) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Девхона кўлининг гидробионтлари зоопланктон, фитопланктон, юксак сув ўсимликлари, балиқлар шунингдек, уларнинг морфологияси, экологияси, таксономияси, доминант турларнинг балиқ маҳсулдорлигини белгилашдаги аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Девхона кўли гидробионт организмларининг турлар хилма-хиллигини аниқлаш;

кўлнинг турли нуқталарида гидробионтларнинг тарқалишини асослаш; гидробионтларнинг мавсумий ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш;

гидробионтларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

гидробионтларнинг сув экотизимидаги аҳамиятини баҳолаш;

балиқ турларининг умумий тавсифи ва овланиш хусусиятларининг ҳозирги ҳолатини ёритиб бериш;

балиқларнинг табиий озуқаси бўлган фитопланктон, зоопланктон ва макрофитларнинг аҳамиятини ўрганиш ва амалиётда қўллаш йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фитопланктон, зоопланктон, макрофитлар ва балиқлар, Девхона кўли табиий озуқа заҳираси ва унга сув олиб келадиган коллекторлардаги гидробионтлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Девхона кўлидаги фитопланктон, зоопланктон, макрофитлар ва балиқларнинг таксономик таҳлили, тарқалиши, уларнинг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ривожланиш динамикаси, кўлдаги барча балиқ турларига тавсиф бериш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гидрологик, гидробиологик, экологик, ихтиологик, статистик ва киёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Девхона кўли учун фитопланктон организмлардан 162 тури, зоопланктон организмларнинг 32 тури, макрофитларнинг 45 тури аниқланиб, шулардан 12 тури (1 тур мизид, 11 тур юксак ўсимликлар) Девхона кўли фауна ва флораси учун янги тур эканлиги аниқланган;

фитопланктон, зоопланктон, макрофитларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиш динамикаси аниқланган;

гидробионтларнинг мавсумий сукцессияси аниқланган ва уларнинг сув экотизимдаги аҳамияти баҳоланган;

овладаниган балиқларни яйлов аквакультураси сифатида табиий ҳолатда етиштириш хусусиятлари очиқ берилди;

балиқларнинг табиий озукалари (зоопланктон, нектобентос) Девхона кўли шароитида етиштирилиб, балиқ маҳсулдорлигининг ошиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Девхона кўлида учровчи гидробионт организмлардан балиқлар учун табиий озуқа сифатида фойдаланиш ва товар балиқлари маҳсулдорлигини ошириш бўйича амалий хулосалари балиқчилик хўжаликлари фаолиятида асосланган;

Девхона кўлида учровчи айрим гидробионтлар, яъни фитопланктон, зоопланктон ва макрофит организмлар табиий ҳолда кўпайтириб балиқ ҳосилдорлигини оширилишига эришилган, чавоқларнинг тез ривожланиши ҳамда ўсувчанлиги ижобий таъсири амалиётда исботланган;

гидробионтлардан (фитопланктон, зоопланктон, макрофитлар) сув экотизимида озикланиш занжири сифатида, сув ҳавзаларида кечадиган турли экологик жараёнлар фойдаланиш бўйича ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида самарали натижаларга эришиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп йиллик экспедициялар натижаларида йиғилган намуналар таҳлилида замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, гидробиологик, ихтиологик усуллар ёрдамида олинган натижалар назарий ва амалий маълумотларга мос келиши, замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Девхона кўлининг турли нуқталаридаги табиий озуқа базасининг (фитопланктон, зоопланктон, макрофит) шаклланиши, турлар сони, турли мавсумларда учраш қонуниятлари динамикаси илмий асосланганлиги, балиқ маҳсулдорлиги озуқа базасидаги доминант турларнинг миқдориға боғлиқ эканлиги, илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озуқа базасидаги доминант турлар миқдорини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Девхона сув ҳавзасидаги балиқ маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилганлигини кўрсатиб берди, табиий сув ҳавзаларида, фитопил балиқларни кўпайтириш учун ишланмалар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Девхона кўлининг гидробиологик ҳолати ва балиқчиликдаги аҳамияти бўйича олинган натижалар асосида:

Девхона кўлида учровчи гидробионт организмлардан балиқлар учун табиий озуқа сифатида фойдаланиш бўйича тавсиялар “Бухоробалиқ” МЧЖ балиқчилик корхонаси ҳовузида ўстирилаётган чавоқларни етиштириш амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 17 декабрдаги 02/23-1751 рақамли маълумотномаси). Натижада балиқлардаги стресс ҳолати камайиб, икралар ташлаши 25-30% га ошган ва олдинги йилга нисбатан 25-30% кўпроқ балиқ личинкалари ва чавоқларини олиш имконини берган;

Сув ҳавзаси табиий озуқа захираси организмларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар “Муборак Бухорий” МЧЖ балиқчилик корхонаси ҳавзасининг озуқа захираси асосида карп ва оқ амур балиқларини етиштириш амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2021 йил 29 мартдаги 08/306 рақамли маълумотномаси). Натижада зоғора, оқ сла, орол қизилкўзи каби балиқ турларида 50% гача ўсувчанликка эришилган ва табиий ўлим даражаси 5% дан юқори бўлмаслигини таъминлаб ҳавзадан овланган балиқлар миқдорининг сезиларли тарзда ошиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг предметиға тавсиф берилган. Бажарилган тадқиқотнинг мамлакатимиз фан технологиялари ривожланишининг устивор йўналишга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро вилояти сув ҳавзаларининг гидробионтларини ўрганганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобида сув ҳавзалари гидробионтлари ҳақида хориж ва Ўзбекистон олимлари тадқиқотларининг замонавий талқини тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда Бухоро вилоятида жойлашган йирик қўлларнинг умумий гидробиологик тавсифи, улар сувининг гидрохимёвий хусусиятлари фауна ва флоранинг турлар таркиби, уларнинг биологияси, экологияси, тарқалиши ва балиқлар озукаси сифатидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган. Бироқ, адабиётлар таҳлиliga кўра Девхона қўли гидробионтларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар тўлалигича амалга оширилмаган. Фрагментар материаллар қўлнинг умумий гидроценозларини, балиқчилик имкониятларини аниқлаш учун етарли эмас.

Диссертация ишининг **“Девхона қўлининг гидробиологик ҳолати ва балиқчиликдаги аҳамиятига доир тадқиқот материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тўпланган материал ҳажми, тадқиқот материали, намуналарнинг йиғиш усуллари, гидробиологик ва ихтиологик тадқиқот услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар даврида (2017 - 2020 йиллар) 130 дона фитопланктон, 90 дона мизид ва 219 дона зоопланктон намунаси йиғилди ва қайта ишланди. Шу билан бирга балиқларнинг 645 дона намунаси йиғилди ва Тошкент давлат аграр университети гидробиология лабораторияси шароитида таҳлил қилинди.

Фитопланктон турларини аниқлаш ишлари А.М. Музаффаров ва бошқ. 1965; А.Э. Эргашев 1979; О.В. Анисимова ва бошқ. 2006; аниқлагичлари орқали амалга оширилди.

Макрофитларни ўрганиш В.В. Алехиннинг **“Дала шароитида ўсимликларни ва флорани тадқиқ қилиш”** ва К.М. Дерюгинанинг **“Сув ҳавзаларини биологик тадқиқ қилиш қўлланмалари”**дан, мавсумий ривожланиши ва маҳсулдорлигини ўрганиш И.Н. Бейдеманинг усулларидан фойдаланиб бажарилди. Турларнинг ўхшашлик ва фарқ қилиш коэффициенти жиҳатидан баҳолашда Сьеренсен-Чекановскийнинг содалаштирилган формуласидан фойдаланилди. Гидрохимёвий кўрсаткичлар Бухоро вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси лабораториясидан олинди. Мизидлар ва карп балиқлари бўйича олиб борилган тажрибалар лаборатория шароитида 150-200 л ҳажмли аквариумларда олиб борилди.

Диссертациянинг **“Девхона қўли гидробионт организмларининг хилма-хиллиги”** деб номланган учинчи бобида Девхона қўлининг асосий гидробионтлар гуруҳлари сифатида ривожланувчи фитопланктон, зоопланктон, макрофитлар ва балиқларнинг тур таркиби, мавсумий учрашлиги, доминант турларнинг ривожланиш динамикаси ўрганилди. Девхона қўли фитопланктонларининг мавсумий тарқалиши ҳамда уларнинг микдор кўрсаткичлари 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

Девхона кўли фитопланктонларининг мавсумий тарқалиши

№	Сувутларининг бўлимлари	Жами турлар	Мавсумий тарқалган турлар сони			
			Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
1	Bacillariophyta	61	44	55	42	18
2	Chlorophyta	38	29	36	26	11
3	Суанophyta	49	33	47	24	15
4	Euglenophyta	7	5	6	4	2
5	Xanthophyta	3	1	2	2	1
Жами		162	112	146	98	47

Девхона кўлидаги фитопланктонларнинг 2018-2019 йиллардаги ўртача сони ва биомассаси

Сувутлар бўлими	Фитопланктонларнинг ўртача сони (А) млн.хуж/л ва биомассаси (Б) мг/л			Ўртача	Махсулдорлик кг/га (100*100*15)	
	Баҳор (мин-мах)	Ёз (мин-мах)	Куз (мин-мах)			
Суанophyta	А	6,5-11,0	18,2-24,3	7,5-10,0	10,7-15,1	2,94-4,98
	Б	0,09-0,15	0,22-0,39	0,06-0,16	0,12-0,23	
Chlorophyta	А	7,4-11,3	29,4-38,1	14,6-18,2	17,13-22,5	5,14-7,22
	Б	0,11-0,17	0,26-0,43	0,09-0,2	0,15-0,26	
Basilariophyta	А	8,3-14,4	19,5-41,6	17,2-26,8	15,0-27,6	6,18-9,20
	Б	0,15-0,23	0,34-0,52	0,11-0,26	0,2-0,33	
Жами	А	22,2-36,7	67,1-104,0	39,3-55,0	42,86-65,23	14,26-21,4
	Б	0,35-0,55	0,82-1,34	0,26-0,62	0,47-0,83	

1-жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлиллар натижасида Девхона кўлининг фитопланктон организмларини асосан кўк - яшил, диатом, яшил, сариқ яшил ва эвгленасимонлар бўлими вакиллари ташкил этиши ҳамда уларнинг сони 162 турдан иборатлиги қайд этилди. Таҳлиллар натижасида, фитопланктон 5 бўлим, 8 синф, 23 тартиб, 34 оила ва 51 туркумга мансуб 162 тур ва тур хиллари аниқланди. Фитопланктон турларини ўрганишда дастлаб баҳорги “бўртмачалар” ва плёнкалардан препаратлар тайёрланиб таҳлил қилинди. Таҳлил натижасига кўра, кўк-яшил сув ўтлардан *Anabaena variabilis*, *A.bergii*, *Oscillatoria limosa*, *O.ornata*, *O.okenii*, яшил сувутлардан *Spirogyra* авлоди ва *Cladofora glomerata* кўп миқдорда учраши аниқланди. Баҳор фаслининг иккинчи ярмидаги “бўртмачалар” ва уларнинг қолдиқларида ипсимон сув ўтларидан *Navikula spikula*, *N. cryptosephala*, *N. placentula*, *Cymbella affinis*, *C.cymbiformis*, *Gyrosigma kutzingii*, *G.acuminatum*, *Diatoma elongatum var.tenue*, *Cyclotella comta* ва бошқа турлар қайд этилди.

2-жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, фитопланктон намуналари олинган барча нукталарда турлар сони куз-қиш фасллардаги турлар хилма-хиллиги баҳор-ёз фаслларида олинган намуналарга нисбатан кам.

Кўк-яшил сув ўтлар бўлими жами микроскопик сув ўтларитурларининг 32% ни ташкил қилиб, асосан *Meristopedia*, *Gloeocapsa*,

Oscillatoria, *Lyngbya*, *Anabaena*, *Phormidium* каби туркум вакиллари дан иборатлиги аниқланди. Намуналарнинг миқдорий таҳлилига кўра, кўк-яшил сув ўтлар баҳор фаслида 6,5-11,0 млн.хуж/л гача учраса, ёзда 18-25 млн.хуж/л гача эканлиги аниқланди. Уларнинг биомассаси эса баҳорда 0,09-0,15 мг/л ни ташкил қилса, ёзда 0,2-0,4 мг/л гача чиқиши аниқланди. Девхона кўли шароитида кўк-яшил сув ўтларининг энг юқори ўртача миқдори (0,3г/л) июль-август ойларида кузатишган бўлса, турлар хилма-хиллиги бўйича энг юқори кўрсаткич июль ойига тўғри келди.

Диатом сув ўтлари. Девхона кўли фитопланктони таркибида бу бўлим вакиллари умумий сув ўтларининг 37% ни ташкил этиб, асосий туркумлардан *Melosira*, *Cyclotella*, *Diatoma*, *Cocconeis*, *Mastogloia*, *Amphora*, *Oiplonies* кабилар учратилди. Диатом сув ўтларининг асосий биотоплари Девхона кўлининг унча чуқур бўлмаган шарқий худудларида, кўлнинг марказий қисмида учровчи ороллар ва уларнинг атрофидаги макрофитлар ҳамжамоалари ораларида, сув туби ўсимликлари устки плёнка қаватларида, сув туби балчиқларининг устки плёнкаларида ва кўлга сув кириш қисмидаги коллекторининг девор плёнкаларида жойлашган. Девхона кўлининг диатом сув ўтларининг миқдор жиҳатдан ривожланиши ҳавзанинг турли қисмларида ўзига хослигини намоён қилди. Таҳлилларимиз натижасига кўра, диатом сув ўтларининг бошқа сув ўтларга нисбатан ривожланишининг юқори миқдор кўрсаткичлари баҳор ва куз фаслларида кузатилиб 14,4-26,8 млн.хуж/л ни биомассаси 0,2-0,4 мг/л ни ташкил этди.

Яшил сув ўтлари. Девхона кўлида учровчи яшил сув ўтлари умумий сув ўтлари миқдорининг 23% ташкил этиб уларнинг ривожланиши анча фарқли хусусиятларни намоён қилади. Жумладан яшил сув ўтлар энг яхши ёз фаслида ривожланиб 29,4-38,1 млн.хуж/л сон кўрсаткичларини ва 0,26-0,43мг/л биомасса кўрсаткичларини намоён этди. Шу билан бирга сув ҳавзасининг турли қисмларида сезиларли фарқ қилади. Октябрь-ноябрь ойларидаги намуналарда яшил сув ўтлари миқдорида сезиларли ўзгариш кузатилмади. Яшил сув ўтлар бўлими вакиллари сифатида *Ulothrix tennerimma*, *M. sp.*, *Oedogonium sp.*, *Cladophora glomerata*, *Cosmarium sp.*, *Microspore stagnorum*, *Mougeotia nummuloides*, *Mougeotia sp.*, шунингдек *Spirogira* авлодидан *Spirogira crassa*, *S. longata*, *S. sp.*, *Chlamydomonas sp* каби сув ўтларининг устувор туркумлардан эканлиги кузатилди.

Эвгленасимонлар бўлими вакиллари Девхона кўли умумий сув ўтларнинг 4% ташкил этиб, улар қуйидаги турлардан иборат. *Euglena deses*, *E. polymorpha*, *E. proxima*, *E. variabilis*, *Euglena sp.*, *Phacus acuminatus*, *Ph. caudatus*, каби турлар кўлнинг деярли барча биотопларида қайд этилди. *Euglena polymorpha*, *Phacus acuminatus* каби турлар фақат сув олиб келувчи коллекторларда учраган бўлса, қолган турлари кўл пелагиалининг 5-10 метргача чуқурликларида қайд этилди. Лекин бу турларнинг миқдори намуналарда унча кўп бўлмаганлиги сабабли, миқдор таҳлилини амалга ошириш имконияти бўлмади

Девхона кўлида учровчи сариқ яшил сув ўтлар бўлими вакиллари дан эса умумий сув ўтлари турларининг 1%ни ташкил этиб улар *Chara fragilis*,

Chara virgata, *Chara sp* каби турлардир. Бу ўсимликлар кўл гидатофитлар билан бирга яхлит жамоани ҳосил қилиб 10-20 га майдонларида тарқоқ ҳолда ўсади.

Юксак сув ўсимликларининг 21 оилага мансуб 45 тури баён қилинган. Девхона кўлининг жунуби-ғарбий қирғоғидан сувнинг унча чуқур бўлмаган (1-4 м) қисмларида 5-8м гача кенликда тасма шаклида (узунлиги 3-4 км) юксак сув ўсимликлари: қамиш, кўға, юлғун, сув пиёз қабиларнинг ҳамжамоалари ўсади.

Бу ўсимликлар 3 та экологик гуруҳга - сохил бўйиларидаги нам жойларда ўсувчи (гигрофитлар), сувга ярим қисми ботган (гидрофитлар) ҳолда ўсувчи ва тўлиқ ёки катта қисми сувга ботган ҳолда ўсувчи (гидатофитлар) гуруҳларига бўлиб ўрганилди. Кўл ҳудудида аниқланган 45 тур ўсимликлардан гигрофит экологик гуруҳда 18 (41,23 %) тур, гидрофитлар 16 (32,47 %) тур, гидатофитлар 11 (32,35 %) турларни ўз ичига олади.

Девхона кўлининг гидрофит ўсимликлар турдари: *Polygonum aviculari* L., *Butomus umbellatus* L., *Phragmites australis* (Cav.) Trin. Ex Steud., *Juncus articulatus* L., *Juncus gerardii* Loisel., *Scirpus mucronatus* L., *Scirpus triqueter* L., *Typha angustifolia* L., *Typha laxmannii* Lepech. каби турлар мисол бўлади. Кўл гидатофитлари гуруҳига эса *Salvinia natans* (L.) All., *Polygonum persicaria* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Myriophyllum verticillatum* L., *Myriophyllum spicatum* L., *Batrachium rionii* (Lagget) Nym, *Batrachium divaricatum* (Schrank.) Wimm, *Potamogeton crispus* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Bolboschoenus popovii* T.V. Egorova қабилар мисол бўлади. Сув тубида тубан ўсимликлардан харалар мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар ҳам унча кенг бўлмаган майдонларда, 4-5 м чуқурликка эга бўлган ҳудудларда тарқалган. Лекин сув ўсимликларининг кўлда тарқалишини бир хилда эмаслиги тадқиқотларда кузатилди. Мазкур юмшоқ сув ўсимликлари ўсимликхўр балиқлар, айниқса оқ амурнинг асосий озуқа объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳаво ҳарорати ортиши билан *Chenopodium album* (L.), *Lactuca tatarica* (L.) каби гигрофит ўсимликлар гуруҳи вакиллари қуруб қолади.

Тадқиқодларимиз давомида Девхона кўлида зоопланктон организмларнинг 32 тури қайд этилди. Доминант зоопланктон турлари сифатида куйидагилар учратилди: *Trichocera bidens*, *Trichocera valga*, *Synchaeta stultate*, *Proales theodora*, *Brachionus quadridentatus*, *Diaphanosoma brachyurum*, *Daphnia magna*, *Ceriodaphnia reticulata*, *Simocephalus vetulus*, *Arctodiaptomus salinus*, *Cyclops sp.* *Harpacticoida* қабилар ҳисобланади.


Девхона кўли зоопланктонларининг мамлакатимиз турли минтақалари кўллари ва кўшни мамлакатлар кўллари зоопланктонлари солиштирма таҳлил қилинганда ўзига хослиликни намоён қилди. Мамлакатимиз текислик сувликларида бу ҳайвонларнинг ўзаро ўхшашлик даражаси яқин бўлиб 6-7% фарқлиликни кўрсатса, Қозоғистон ва Тожикистон сувликлари зоопланктонлари ўртасидаги фарқ 22-45% га етиши кузатилди.

Девхона ва Ўзбекистоннинг турли минтақалари жойлаган қўллардаги зоопланктон организмларининг Сёренсен-Чекановский коэффициентига мувофиқ ўхшашлиги (%).


Қўллар		1	2	3	Умумий турлар
Девхона	1		7,2	6,0	29
Фарғона (Сарикамиш)	2	7,2		6,0	36
ҚР (Судочье)	3	6,0	6,0		55

Девхона қўлининг баҳорги март ойидаги намуналарда зоопланктон организмлар таркибида коловраткалар жуда кам учради. Зоопланктонларнинг биомасса кўрсаткичлари оғизайлангичлиларда йилнинг турли вақтларига кўра $0,007\text{ г/м}^3$ дан $0,012\text{ г/м}^3$ гача интервалда ўзгарса, шохдормўйловлиларда $0,02\text{ г/м}^3$ дан $1,4\text{ г/м}^3$ гача булган маҳсулдорликни намоён қилди. Куракоёқлиларда бу қиймат $0,3\text{ г/м}^3$ дан $2,8\text{ г/м}^3$ гача ўзгариши аниқланди. *Arctodiaptomus salinus*- баҳорги зоопланктоннинг типик вакили науплиал ва копеподит шаклларида намоён бўлди. Ушбу қисқичбақасимонлар қўлнинг барча зоналарида учради. *Cyclops vicinus* эса қирғоққа яқин саёз жойларда ёппасига учрашлиги кузатилди. *Arctodiaptomus salinus* қисқичбақасимони шўрланган сувларда яшайди. Евразия ва Африканинг шимолий қисмларида тарқалган. *Cyclops vicinus* Ўзбекистоннинг деярли ҳамма сув ҳавзаларида учрайди. Палеарктика сув ҳавзаларида кенг тарқалган тур.

Апрель ва май, июн, июл ойларидаги намуналарда ҳам ушбу қисқичбақасимонлар ёппасига учрашлиги кузатилди. Май ойи ўрталарида планктонда *Cladocera* туркуми *Moina* уруги ва вояга етган *Mysidae* оиласи вакиллари ривожланиши кузатилди. Бу даврда Девхона қўлида зоопланктон организмлар миқдор жиҳатдан 80 минг дона/ м^3 (1-расм), биомассаси $3,5\text{ г/м}^3$ ни ташкил қилди (2-расм). Қўлнинг чуқур қатламларида (10 м) планктонда қисқичбақасимонлар яқка яқка ҳолда учрашлиги, асосан 5 м ва қирғоқ олди зоналарида эса ёппасига ривожланиши аниқланди.



1- расм. Зоопланктон организмларининг сони (2018).



2-расм. Зоопланктон организмларнинг биомассаси (2018).

Зоопланктон организмларнинг баҳор ойларида кўпайиши сувнинг ҳарорати, микроскопик сув ўтларининг ривожланиши ва рН нинг муътадил бўлишлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, баҳор фаслининг охирида балиқлар ва балиқ чавоқларининг актив озикланишга ўтадиган даври ҳисобланади ва бу ҳолат зоопланктон организмларнинг шу даврда бир оз камайишига олиб келди.

Ўтган асрнинг 60 йилларида кўпгина сувликларга турли балиқлар ва озуқа объектларининг иқлимлаштирилиши ишлари республикамизда жадал тарзда олиб борилди. Жумладан *Mysidae* оиласи вакиллари иқлимлаштириш ишларидан кейин мизидлар кўпчилик сув ҳавзаларига тарқалиб сифат ва миқдор жиҳатдан хиرونимид личинкаларидан кейинги ўринларни эгаллаб улгурганлиги адабиётларда келтирилган. Девхона қўлига мизидлар Каттақўрғон, Тудакўл сув омборлари ва Аму-Бухоро канали ёки Пачкамар, Қамаш, Чимқўрғон сув омборларидан турли типдаги сув ҳавзалари орқали ва бошқа сув манбаларидан кириб келган бўлиши мумкин.

Мизидлар асосан май ойидан бошлаб 8-10 метр чуқурликдан олинган намуналарда турли катталиқдаги (4мм- 13мм) индивидлари учрай бошлади. Баъзи урғочиларининг тухум ҳалталарида 10 та баъзи йирикларида 20 та ва ундан ортиқ тухумлари борлиги аниқланди. 10 метр чуқурликдаги намуналарда 35-45 дона/м³, 14 метр чуқурликда 18-27 дона/м³, учради. Асосан *Paramysis (M) ullskyi*, *P.(M) lacustris* турлари экологик қайишқоқлиги ва мосланувчанлиги юқорилиги сабабли келажакда амалиётда фойдаланиш имконияти кенгрок. Тадқиқотларимизда Девхона қўлидаги мизидлардан *Paramysis intermedia* тури янги тур сифатида учраши қайд этилди.

Девхона қўлининг чуқурлиги, гидрохимияси, сув тубининг қаттиқлиги ва улар учун озуқа базасининг етарли бўлишлиги мизидлар ривожланиши учун қулай ҳисобланади. Тадқиқотларимизда бу қисқичбақаларни Бухоро давлат университети ихтиология ва биотехнология лабораторияси шароитида кўпайтиришга эришилди.

Ҳозирги кунда Девхона қўлининг ихтиофаунаси 5 оилага мансуб балиқларнинг 13 тури ва кенжа турларидан иборат. Улар *Cyprinidae* оиласи: -*Rutilus rutilus aralensis* Berg-Орол чавоқ балиғи, *Gobio gobio*

lipidoelameus-Туркистон кумбалиғи, *Barbus capito conocephalus* Kessler-Туркистон мўйловдори, *Abramis brama orientalis* Berg-Шарк оқчаси, *Pseudorasbora parva*-амур чебачоғи, *Carassius auratus gibelio* (Blochin)-кумуштовон балиқ, *Cyprinus carpio* Linnaeus-карп(зоғора), *Hypophthalmichthys molitrix* (Valenciennes)-оқ дўнпешона, *Chalcalburnus chalcoides aralensis* (Berg)-Орол мойбалиғи, **Siluridae оиласи:** *Silurus glanis* Linnaeus-лаққа балиқ, **Percidae оиласи:** *Sander lucioperca* (Linnaeus)-оқ сла: **Nemacheilidae оиласи-шарқ тоғли эшвой балиқ** (*Noemachelius malapterurus longicauda*): **Poeciliidae оиласи:** *Gambusia affinis holbrockii* (Baird, Girard)-гамбузия каби турлардир.

Ушбу кўлгаоқ сла, гамбузия балиқлари бошка сувликлардан кириб келган. Амур чебачоғи (*Pseudorasbora parva*) тасодифан ўсимликхўр балиқларни Ўзбекистонга олиб келиш жараёнида кириб қолган.

Балиқларнинг юқоридаги рўйхатидан 8 тури ов аҳамиятига эга. Бутунги кунда Девхона кўлида учрайдиган асосий овланмайдиган турларга гамбузия (*Gambuziia affinis*), амур чебачоғи (*Pseudorasbora parva*), туркистон кум балиғи (*Gobio lepidolaemus*), шарқ тоғли эшвой балиқ (*Noemachelius malapterurus longicauda*)ларимансуб бўлиб улар бутун кўл буйлаб қирғоққа яқин 3-5 м чуқурликкача эга бўлган юксак ўсимликли жойларда учради.

Диссертациянинг “Девхона кўли балиқларининг озикланишида гидробионтларнинг аҳамияти” деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб асосан балиқларнинг озикланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Девхона кўлининг ўртача чуқурлиги 13-14 метр, бир гектардаги сув ҳажми 10000 м³ фитопланктоннинг бир гектар 1 м сув қалинлигидаги маҳсулдорлиги 17,5-19,5 кг ни ташкил қилди.

Девхона кўлининг ўртача чуқурлиги 13-14 м эканлигини назарда тутсак 18,5 кг х13=240,5 кг/га бу натижани 1700 га кўпайтирганимизда 408,5 т кўлнинг ялпи фитопланктон маҳсулдорлигини оламиз. 408,5 т ни оқ дўнпешонанинг озуқа коэффиценти 30 га тенглигини инобатга олганимизда биз кўл учун 408,5/30=13616 кийматга эга бўламиз. Демак кўлни оқ дўнпешона билан балиқлаштириш учун унга 14-15 минг дона тўлаконли семизликка эга бўлган, оғирлиги 50гр дан кам бўлмаган балиқчаларни ҳар йили куз фаслида ёки эрта баҳорда доимий тарзда ташлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундай микдордаги ҳар бир оқ дўнпешона балиқлари бутун вегетация даврида ўсиб, бизнинг тавсиямизга кўра ўрта ҳисобда 800-1000 г етиши мумкин ва бунинг натижасида кўлдан қўшимча 13-14 т балиқ маҳсулоти етиштирилиши мумкин.

Макрофитларнинг Девхона кўли овладиган балиқлари озукавий аҳамияти жиҳатдан у қадар ҳам муҳим бўлмай, сув ости ва қирғоқ ўсимликлари сифатида ўсиб ривожланади. Кўлда тарқалган ўсимликлар кўл майдонининг 1-3 % қисмини эгаллайди холос. Уларнинг ялпи маҳсулдорлиги 1,5-2,5 кг/м² (1500-3000 кг/га) ни ташкил этади. Кўлдаги ялпи маҳсулдорлик эса 30-35 тоннани ташкил этади.

Сув туби ўсимликларидан ёзда ғижжак бўйи 1,0-1,5 метргача ўсиб, ҳар бир м² юзада 15-30 экз/ м², биомасса 1,2-2,4 кг/м², урут эса 10-20 экз/м²,

биомассаси 0,4-1,0 кг/м², шохбарг 24-36 экз/м² биомассаси 0,3-0,5 кг/м², жами сув туби ўсимликлари биомассаси 3-4 кг/м²гача етади. Бу ўсимликларнинг бир гектардаги ялпи биомассаси 5-7 тоннани ташкил қилди. Баликлар юмшоқ сув ўсимликларининг ½ қисминигина истъёмол қилади. Девхона кўлида сув туби ўсимликлари билан қопланган майдон пелагиалнинг 1-2 %дан ошмаган ҳолда эгаллайди. Юксак сув ўсимликлари ҳосил қилган биомассани улар эгаллаган умумий майдонга кўпайтирсак ўсимликларнинг табиий қўлдаги биомасса келиб чиқади. Демак қўлда ўсимликларнинг ялпи маҳсулдорлиги ўрта ҳисобда 6т х 20га=120т деб олишимиз мумкин. Юмшоқ сув ўсимликларининг озуқавий қиймати 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Оқ амур истемол қиладиган юксак сув ўсимликларининг озуқа коэффиценти (Ниёзов 2012)

№	Озуқа объектлари	Озуқа коэффиценти
1	Рдест- <i>Potamogeton filiformis</i>	30
2	Ряска- <i>Lemna minor</i>	40
3	Азолла- <i>Azolla coraliniana</i>	30
4	Хара- <i>Chara fragilis</i>	20
5	Себарга- <i>Trifolium repens</i>	24
6	Қамиш- <i>Pharmites australis</i>	80
7	Кўга- <i>Typha latifolia</i>	100

Сув ўсимликларининг озуқа коэффиценти ўртача 35-40 деб олганимизда 120т/38кг=3157кг яъни 3-3,5 т оқ амур балиғи етиштириш имкони мавжуд дейишимизга асос бор. Лекин бунда ҳам етарли семизликка эга бўлган 2+ ёшли оқ амур балиқчаларини дастлаб 15-20 кун мобайнида қўл сувиغا мослаштириб кейин қатта сувликка кўйиб юбориш мақсадга мувофиқ.

Қискичбақасимонлар, оғизайлангичлилар ва уларнинг турли босқичидаги вакиллари миқдор жиҳатдан 48,5-55,7 минг дона/м³, биомассаси 0,92-1,31 г/м³ ни ташкил қилди. Зоопланктоннинг ялпи маҳсулдорлиги 1,11х177млн/м³=196т ни ташкил қилди. Зоопланктоннинг озуқа коэффицентини (30) билган ҳолда, бундай миқдордаги биомасса ёрдамида 196000кг/30кг=6533 кг чипор дўнгпешона балиғи маҳсулотини етиштириш учун захира мавжуд.

Девхона кўлидан овладиган асосий балиқ турларига карп, орол чавоқ балиғи ва оқ сла қиради. Ушбу турдаги балиқларнинг сув ҳавзасидаги асосий озуқа манбаи мизидлар ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқотларимизда Девхона кўлида мизидлар миқдорини ошириш бўйича тажриба ишлари олиб борилди. Бунинг учун Бухоро давлат университетининг Ихтиология ва биотехнология лабораториясида ҳажми 150 л бўлган шиша аквариумлар ясаб, Девхона кўлидан тутилган мизидлар турларини лаборатория шароитида кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Мизидларнинг табиий яшовчанлигини таъминлаш мақсадида, аквариумларга ҳар уч кунда 75 литрдан аквариум сувлари Девхона кўли суви билан алмаштириш орқали эришилди.

Тажрибаларимизда мизидларнинг ўсувчанлигини ошириш мақсадида уларнинг табиий озуқа рационига инфузориялар ва хлорелла

суспензияларидан мизидларнинг умумий массасига нисбатан 10% гача қўшимча кунлик озуқа киритиб бордик. Тажрибалар 3 ой давомида олиб борилди. Тажриба натижалари 4-жадвалда келтирилган.


4-Жадвал

Лаборатория шароитида мизидларни ўстириш

№	Тажриба учун олинган умумий мизидлар массаси, г	Қўшимча озуқа сифатида қўшилган компонентлар миқдори, г		Мизид массасига нисбатан қўшимча озуқа сифатида қўшилган компонентлар миқдори, %		Тажриба натижасида олинган умумий мизидлар массаси, г
		Инфузория суспензияси	Хлорелла суспензияси	Инфузория суспензияси	Хлорелла суспензияси	
Назорат	100	-	-	-	-	124,5
Тажриба-1	100	10	-	10	-	147,9
Тажриба-2	100	-	10	-	10	141,2
Тажриба-3	100	2	8	2	8	145
Тажриба-4	100	4	6	4	6	146,8
Тажриба-5	100	6	4	6	4	151,2
Тажриба-6	100	8	2	8	2	149

4-жадвалдан кўришиб турибдики, мизидларнинг озуқа рационига қўшимча кунлик озуқа сифатида, мизидларнинг умумий массасига нисбатан 6% инфузориялар ва 4% хлорелла суспензияларидан киритилиши натижасида, мизидларнинг масса ўзгариши назоратга нисбатан 21,5% га ошиши кузатилди.

Кейинги тадқиқотларимизда Девхона қўлидан олиб келинган ўртача оғирлиги 32-34 г бўлган 44 дона 1+ ёзги карп баликларини (барча тажрибаларни ўтказишда қулайлиги сабабли) 70 кун давомида (2018 йилнинг 18 июнидан 2018 йилнинг 3 сентябригача) мизидли озуқа билан боқиш ва уларнинг ўсиш маҳсулдорлигини аниқлаш тажрибалари олиб борилди. Тажрибалар 200 л ҳажмли аквариумларда, баликларни икки гуруҳга бўлиб, назорат гуруҳидаги баликлар мизидларнинг назоратда боқилган намунаси ва мотил билан боқилди. Тажриба гуруҳидаги баликлар эса мизидларга қўшимча озуқа сифатида уларнинг умумий оғирлигидан келиб чиққан ҳолда 6% инфузориялар ва 4% хлорелла суспензияси қўшиб боқилган мизидлар билан озиклантирилди. Иккала гуруҳ баликларини озиклантириш баликларнинг умумий оғирлигидан келиб чиқиб кунлик 3% миқдорда озуқа бериб борилди. Тажриба натижалари 3-расм келтирилган. 3-расмдан кўришиб турибдики, лаборатория шароитида 6% инфузориялар ва 4% хлорелла суспензиялари қўшиб етиштирилган мизидлар тўла қимматли озуқа объекти эканлиги, баликларни ушбу мизидлар билан озиклантирганимизда назоратдаги баликларга нисбатан ўсувчанлиги 20-25% га ошиши кузатилди.



3-расм. Лаборатория шароитида боқилган карп балиқлари кўрсаткичлари

Лаборатория шароитида олинган натижалар асосида, Девхона кўлида мизидларни етиштириш бўйича тажрибалар бевосита кўлга сув олиб келадиган коллекторнинг қуйилиш қисмида, нисбатан текис нишабликларда 4 та сунъий ҳовузлар қуриш орқали бажарилди. Бу тадбирда аввало сувнинг ҳарорати, рН муҳити ва бошқа гидрохимёвий ҳолатлар кескин ўзгарувчанликни намён этмаслиги учун ҳовузларга тўғридан тўғри Девхона кўлининг суви кириб чеқиши таъминланди. Қурилган ҳовузларнинг узунлиги 5м, эни 3м ва чуқурлиги 3м дан иборат бўлиб, ҳар бир ҳовузга мизидлардан 5 минг донадан ота-она мизидлар ташланди ва уларга умумий оғирлигидан келиб чиқиб, лаборатория шароитида энг оптимал деб топилган 6% инфузориялар ва 4% хлорелла суспензияларидан кунлик қўшимча озуқа сифатида киритиб борилди.

Девхона кўлида учровчи овланмайдиган (носаноат) балиқлари кўл биоценозида бир қатор муҳим вазифаларни бажариб келади. Жумладан улар модда ва энергия алмашинуви жараёнларида актив иштирок этади, шунингдек саноат балиқларининг озуқа манбаи ҳамдир. Девхона кўлида учровчи овланмайдиган балиқлар йиртқич балиқ турларига озуқалиги ва шу орқали кўл балиқ маҳсулдорлигини провард натижада ошири жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади

ХУЛОСАЛАР

“Девхона кўлининг гидробиологик ҳолати ва балиқчиликдаги аҳамияти” мавзусидаги диссертацияси иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса тақдим этилди:

1. Девхона кўлида гидробионт организмлар турлар хилма-хиллигининг асосланиши натижасида фитопланктон организмлардан 162 тури,

зоопланктон организмларнинг 32 тури, макрофитларнинг 45 тури кўрсатиб ўтилди. Бу турларнинг 12 таси (1 тур мизид, 11 тур юксак ўсимликлар) Девхона кўли фаунаси ва флораси учун янги тур эканлиги қайд этилди.

2. Девхона кўли гидробионтларидан макрофитлар кўлининг жанубий ғарб қисмида тасмасимон тарзда ўсиши аниқланди, фитопланктонлар кўл сувининг ҳарорат режимига боғлиқ ҳолда саёз (*Cladofora glomerata*, *Spirogyra calospora*), ўрта (*Nitzschia gracilis*, *Amphora ovalis*) ва чуқур сув (*Phormidium sp.*) қатлами турлари сифатида ривожланиши баҳоланди.

3. Кўлда турли гуруҳларга мансуб гидробионтларнинг мавсумий сифат ва миқдор кўрсаткичларининг динамикаси кам даражада ўзгаради ва бу ҳолат кўлдаги кенг майдонни эгаллаган биотоп хусусиятларининг ўхшашлиги билан узвий боғлиқлигини англатади.

4. Девхона кўлида фитопланктон, зоопланктон ва макрофит организмларнинг балиқчиликдаги аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, кўл балиқчилигида трофик жиҳатдан фитопланктонлар ва зоопланктонлардан, топик жиҳатдан эса макрофитлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

5. Мамлакатимиз турли ҳудудларидаги текислик кўллари (жумладан Девхона кўлининг ҳам) зоопланктон организмлари тур таркибининг ўзаро ўхшашлиги, ушбу организмларнинг тарқалишида ва шаклланишида умумийлик хусусиятлари мавжудлигини тасдиқлайди.

6. Девхона кўлининг озуқа объектларидан энг муҳимларидан бири бўлган мизидлар турларини лаборатория шароитида аквариумларда ҳамда махсус тайёрланган ҳовузларда кўпайтириб, доимий тарзда кўлга ташлаш амалиёти натижасида, асосий ов балиқлари бўлган зоғора, оқ сла ва қизилкўз балиқлари маҳсулдорлиги ўрта ҳисобда 40-60% гача ошганлиги исботланган.

7. Девхона кўлининг биотоплари ва биологик заҳиралари, ундаги овладанган балиқ турлари ҳамда балиқлантириладиган балиқлар нисбатини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бунда биринчи навбатда кўлнинг маҳсулдорлигини ошириш учун пелагик ҳамда бентик экологик турларга асосланиш кераклиги изоҳланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/27.02.2020.В.01.15.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТОШОВ ХАЁТЖОН МУХАММАДОВИЧ

**ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ И РЫБОХОЗЯЙСТВЕННАЯ
ЗНАЧЕНИЕ ОЗЕРА ДЕВХОНА**

03.00.16 – Гидробиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B355.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета: (www.nsu.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Кузметов Абдулахмет Раймбердиевич доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Буриев Сулаймон Буриевич доктор биологических наук, профессор Зарипов Эркин Зарипович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «29» декабрь 2021 года в 1000 часов на заседании Разового научного совета при Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская дом 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.:(+99871)2466772

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под №155). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «17» декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки №5 от «17» декабря 2021 года)



Шермбегов Санжар Гулмирзоевич
Председатель разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Учёный секретарь разового Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., доцент

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна
Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии) (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире интерес и потребность к натуральным пищевым продуктам постоянно проявляет своё высокое значение по сравнению с искусственными продуктами, которые охватывают на сегодняшний день очень многие сферы. Научное обоснование биологического потенциала водных бассейнов, выбор правильного его направления, распределение запасов, точное прогнозирование будущего бассейна не всегда выполняется разумно. Поэтому, оптимизация по мере возможностей практических мероприятий озёрного рыбоводства в настоящее время имеет актуальное значение с научно-практической точки зрения.

В мире определение разнообразия фитопланктона, зоопланктона, бентоса и макрофитов, являющихся основной частью естественной кормовой базы рыб, привлечение в производство экономически-значимых видов имеет очень важное значение. 85-90% корма мальков, 40-45% корма половозрелых рыб состоит из естественных кормных организмов, и именно это определяет максимальное использование потенциальных возможностей водных бассейнов при развитии рыбоводства. Сезонная динамика кормовых запасов водоёмов, научное обоснование возрастного состава и особенностей развития этих кормовых элементов является гарантией стабильности улова внесённых и разводимых рыб. Мониторинг количества вылавливаемой рыбы, являющейся основным показателем экономической и биологической продуктивности водоёмов, и проведение совместной оценка негативного его влияния на биоразнообразие водоёма является целесообразным. А также, полное обоснование кормного запаса акклиматизированных в водоёмы видов и их отношений с сообществами зооценозов имеет важное научно-практическое значение.

В нашей республике уделяется отдельное внимание развитию отрасли рыбоводства, эффективному использованию рыбных запасов, развитию инновационной аквакультуры и комплексному использованию вод. В частности, разработаны программы регулярной переброски мальков семейства карповых в озёра и водохранилища, расположенных на равнинных территориях нашей республики, увеличены объёмы разведения различных видов рыб и их переработки с учётом местных климатических условий, а также внедрены в практику интенсивные методы рыбоводства. Задачи развития рыбоводства определены в Указах Президента Республики Узбекистан, в частности в указе № УП-2939 «эффективное использование искусственных и естественных водных запасов»¹, а также в мерах по укреплению пищевой базы данной отрасли «... системное укрепление пищевой базы рыбоводческой отрасли, устойчивое обеспечение высококачественным кормом рыбоводческих хозяйств и предприятий»². В этой связи, улучшение гидробиологического состояния местных естественных озёр и повышение продуктивности при выращивании рыб имеет важное значение.

